

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ОРИФЖОНОВА ГУЛНОЗА ҚОБУЛЖОН ҚИЗИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСАДИГАН ҚЎЗИҚУЛОҚ (*PHLOMIS THAPSOIDES*
BGE.) ЕР УСТКИ ҚИСМИНИ ФАРМАКОГНОСТИК ЎРГАНИШ**

15.00.02 - фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor philosophy dissertation (PhD)

Орифжонова Гулноза Қобулжон қизи

Ўзбекистонда ўсадиган Қўзикулоқ (*Phlomis thapsoides* Bge.) ер устки қисмини фармакогностик ўрганиш 3

Орифжонова Гулноза Кобулжон кизи

Фармакогностическое изучение надземной части зопника коровяковидного (*Phlomis thapsoides* Bge.), произрастающего в Узбекистане.....21

Orifjonova Gulnoza Kobuljon kizi;

Pharmacognostic study of the shoot system of *Phlomis thapsoides* Bge. growing in Uzbekistan.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ОРИФЖОНОВА ГУЛНОЗА ҚОБУЛЖОН ҚИЗИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСАДИГАН ҚЎЗИҚУЛОҚ (*PHLOMIS THAPSOIDES*
BGE.) ЕР УСТКИ ҚИСМИНИ ФАРМАКОГНОСТИК ЎРГАНИШ**

15.00.02 - фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Far91 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муллажонова Манзура Тохировна
фармацевтика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Закирджан Абидович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Нишанбаев Сабир Зарипбаевич
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «22» феврал соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (67 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2025 йил «27» 01 куни тарқатилди.
(2025 йил «27» 01 даги 67 рақамли реестр баённомаси)



К.С. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С. Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф. Урманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг маълум қилишича сўнгги йилларда асаб касалликларининг глобал тарқалиш кўрсаткичи 7.3% га етди, бунга кўра ҳар 8 кишидан 1 нафари ёки дунё миқёсида 1 миллиардга яқин инсон ушбу хасталикдан азият чекмоқда. Шу муносабат билан аҳолига арзон ва импорт ўрнини босувчи дори-дармонлар билан ёрдам бериш борасидаги дастурий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал этиш, республика соғлиқни сақлаш соҳаларини доривор ўсимликлар хомашёси ва улар асосида яратилган дори воситалар билан таъминлаш, тиббиётда қўлланиладиган доривор ўсимликлар арсеналини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда жаҳонда доривор ўсимликларнинг фармакогностик таҳлилини ўтказиш, асосий биологик фаол моддаларини ажратиб олиш, уларнинг фармакологик хусусиятларини исботлаш натижасида меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш ва улар асосида дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада тинчлантирувчи таъсирга эга маҳаллий ўсимлик хомашёларини фармакогностик нуқтаий назардан ўрганиш, ушбу хомашёларни стандартлаш, хавфсизлигини исботлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз фармацевтика соҳасида дунё миқёсида кенг қўлланиладиган доривор ўсимликларнинг хомашё базасини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини самарали ва арзон ҳаётий зарур дори воситалари ҳамда биологик фаол қўшимчалар билан таъминлаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг иккинчи иловаси, 85-бандида «Фармацевтика sanoati маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баравар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 %га етказиш....»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида асаб касалликларини даволашда қўлланиладиган, экспортбоп, юқори самарадорликка эга фитопрепаратларни ишлаб чиқиш, тиббиётга ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ҳамда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-сон «Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чор-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари,

¹ «2022-2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 20 майдаги ПФ-139-сон «Доривор ўсимликлар хомашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжири яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юртимизда *Phlomis* L. туркумига мансуб ўсимлик турлари таркибидаги биологик фаол моддаларини аниқлаш, ажратиб олиш, фармакологик фаоллигини ўрганиш ва улар асосида янги дори воситаларини яратиш бўйича А.Я.Ибрагимов, Т.П.Пулатова, А.Қ.Ганиев, З.Саатов, М.Мақсудов каби олимларнинг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсидаги бир қатор олимларнинг, жумладан Li X.H., Duan Y.Ch., Mei Sh.X., Kumar R., Bhan S., Kalla A.K., Dhar K.L., Marin P.D., Veitch N.C., Grayer R.J., Kite J.C., Sokovic M., Janackovic P., Tomas F., Nieto J.L., Skaltsounis A.L., Harvala C., Takeda Y., Isai N., Dezalar A. ва бошқалар томонидан *Phlomis* L. туркум ўсимликларининг тритерпеноид, флавоноид, иридоид, фенол бирикмалари, эфир мойларининг кимёвий таркиби ва биологик фаолликларини аниқлаш бўйича илмий изланишлари аҳамиятлидир.

Мазкур диссертация иши маҳаллий доривор ўсимлик *Phlomis thapsoides* Vge. хомашёсини ҳамда экстракт кўринишидаги тинчлантирувчи таъсирли «Phlokar» биологик фаол қўшимчани стандартлаш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ўсадиган *Phlomis thapsoides* Vge. ўсимлигини тиббиёт амалиётида қўллаш ва унинг асосида тинчлантирувчи дори восита ҳамда биологик фаол қўшимчани яратиш имкониятини асослаш учун фармакогностик аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабиётларни чуқур таҳлил қилиш асосида *Phlomis thapsoides* Vge. ўсимлигини фармакогностик ўрганишнинг мақсадга мувофиқлигини

асослаш;

Phlomis thapsoides Bge. ер устки қисми биологик фаол моддаларининг асосий гуруҳлар таркиби ва миқдорини аниқлаш;

ўсимлик хомашёсининг фармакологик фаоллигини таъминловчи асосий биологик фаол моддаларини ажратиб олиш ва ўрганиш;

тавсия этилаётган хомашёни стандартлаш тизимини ишлаб чиқиш: асосий таъсир этувчи моддаси-флавоноидларни сифат ва миқдорини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш, хомашёнинг чинлик ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш, тажрибада уни тайёрлаш ва сақлашнинг мўътадил муддатларини белгилаш;

Phlomis thapsoides Bge. хомашёси қуруқ экстракти ва унинг асосидаги биологик фаол қўшимчани чинлик ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва улар асосида *Phlomis thapsoides* Bge. ер устки қисмига ва биологик фаол қўшимчага меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда ўсадиган *Phlomis thapsoides* Bge.- қўзиқулоқ ўсимлигининг ер устки қисми олинган.

Тадқиқотнинг предмети. *Phlomis thapsoides* Bge. ўсимлигининг терапевтик фаоллигини таъминловчи биологик фаол моддаларининг мажмуасини ўрганиш, шунингдек, ўсимлик ер устки қисмини стандартлаш, қуруқ экстракти ва унинг асосида олинган биологик фаол қўшимчани сифатини баҳолаш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар олиб боришда замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари, жумладан, юпқа қатламли хроматография (ЮҚХ), юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), газ хроматографияси (ГХ), газ-хромато-масс спектроскопия (ГХ-МС), юқори самарали суюқлик хромато-масс спектроскопия (ЮССХ-МС), индуктив боғланган плазмали масс-спектроскопия ва анъанавий фармакогностик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий доривор ўсимлик *Phlomis thapsoides* Bge. қўзиқулоқ хомашёси таркибидаги биологик фаол моддаларининг асосий гуруҳлари (моно- ва полисахаридлар, аминокислоталар, витаминлар, органик кислоталар, липидлар, флавоноидлар ва минерал моддалар) ва уларнинг миқдори аниқланган;

илк бор хомашёни стандартлаш учун лозим бўлган морфологик-анатомик диагностик белгилари (эпидермис хужайра деворлари тўлқинсимон, эфир мойини ишлаб чиқарадиган оддий, кўп хужайрали юлдузсимон ва бошчасимон туклар, паренхима хужайралари думалоқ овал, хлорофилл доначалари, эфир мойи томчилари, кўп сонли кальций оксалат кристаллари) ва унинг сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар, шунингдек, экологик тозаллиги ва қўллашдаги хавфсизлиги аниқланган;

хомашё таркибидаги асосий таъсир этувчи моддаси- флавоноидларнинг сифат ва миқдорий таҳлиliga услубий ёндашувлар тавсия этилган ҳамда уларнинг тўпланиш динамикаси исботланган ва ўсимлик қийғос гуллаган даврида максимал даражада бўлиши аниқланган;

флавоноидларнинг миқдорий меъёрлари, хомашёни тайёрлаш ва сақлашнинг мўътадил муддатлари белгиланган ҳамда хомашёни тайёрлаш жараёнидан бошлаб 2,5 йил давомида ишлатиш белгиланган.

Phlomis thapsoides Bge. ер устки қисмидан олинган куруқ экстракти ва унинг асосида олинган «Phlokar» биологик фаол қўшимчанинг чинлик ва сифат кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Phlomis thapsoides Bge. ер устки қисмининг безарарлиги аниқланган, ҳамда тинчлантирувчи фаоллиги арслонқуйруқ ва Регел қўзиқулоғи хомашёларидан кам эмаслиги клиник олди тадқиқотлар натижасида исботланган;

Phlomis thapsoides Bge. ер устки қисмининг яроқлилик муддати ва сақланиш шароитлари табиий сақлаш усули ёрдамида аниқланган;

капсула шаклидаги «Phlokar» биологик фаол қўшимчани тиббиёт амалиётига татбиқ этиш мақсадида «Halsica» хусусий корхонаси билан ҳамкорликда меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилик даражаси замонавий математик-статистик таҳлил усуллари, физик-кимёвий, фармакогностик ва клиник олди тадқиқотлардан фойдаланилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти импорт ўрнини босувчи тинчлантирувчи таъсирга эга бўлган доривор ўсимлик *Phlomis thapsoides* Bge. хомашёсини сон кўрсаткичлари ва анатомик-диагностик белгилари, ҳамда полисахаридлар, аминокислоталар, витаминлар, органик кислоталар, липидлар, флавоноидлар ва минерал моддаларнинг кимёвий таркиби аниқланганлиги, шунингдек уларнинг миқдорий таҳлили учун юқори сезгирлик ва аниқликка эга бўлган ЮССХ, спектрофотометрик, ЮССХ–масс-спектрометрик ва б. усулларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «So'qoq gilosi» ФХ билан ҳамкорликда «Қўзиқулоқ ер устки қисми» учун корхона фармакопоя мақоласи лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги ва «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасасига тиббиёт амалиётида қўллаш учун кўриб чиқишга тақдим этилганлиги, «Phlokar» БФҚ учун техник шартлари ва уни ишлаб чиқариш бўйича технологик йўриқнома ишлаб чиқилганлиги ҳамда тасдиқланганлиги билан изоҳланади, бу эса асаб касалликларида қўлланиладиган маҳаллий дори воситалари ва БФҚлар ассортиментини кенгайтиришга ҳизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ўсадиган *Phlomis thapsoides* Bge. ер устки қисмини фармакогностик ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Қўзикулоқ ер устки қисми» учун корхона фармакопея мақоласи лойиҳаси ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасасига рўйхатдан ўтказиш учун торпширилган («Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази»нинг 2024 йил 14 августдаги №41/11-10866-сон хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Ушбу меъёрий ҳужжатнинг тасдиқланиши асаб касалликларида қўлланиладиган дори воситасини ишлаб чиқиш имконини беради;

«Phlokar» БФҚ учун Техник шартлар (Ts 23650019-005:2020) ҳамда уни ишлаб чиқиш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 23650019-005:2020) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада «Halsica» хусусий корхонасида тинчлантирувчи таъсирли асаб касалликларини даволаш учун қўлланиладиган БФҚ ишлаб чиқиш имконини берган.

Ўтказилган клиник олди синовлар натижасида *Phlomis thapsoides* Bge. ер устки қисмининг тинчлантирувчи таъсири ҳамда ўткир захарли эмаслиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада самарали тинчлантирувчи фаолиikka эга безарар дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация

тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Phlomis L. туркум ўсимликларини ўрганилганлиги даражаси**» деб номланган биринчи бобида *Phlomis L.* туркум ўсимликларининг метаболитлари ўрганилганлик даражаси ҳамда адабиётларнинг таҳлиliga бағишланган маълумотлар келтирилган. Ушбу туркум ўсимликларида аниқланган моддалардан фенол бирикмалари (асосан фенилпропаноидлар ва флавоноидлар) ва терпеноидлар (асосан иридоидлар) ҳамда бошқа синф вакиллари тавсифи умумлаштирилган. Бундан ташқари, *Phlomis L.* туркум ўсимликларининг айрим турларининг биологик фаоллиги ҳақида ҳам маълумотлар баён қилинган. Шунингдек, *Phlomis thapsoides Bge.* ўсимлигининг ботаник тавсифи ва систематик ҳолати тасвирланди ва ушбу ўсимлик асосида импорт ўрнини босувчи препаратларни яратиш истиқболга эга эканлиги келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объекти ва таҳлил усуллари тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, қўлланилган асбоб ва ускуналар, услублар каби маълумотлар ёритилган. Қўзикулоқ ер устки қисми таркибидаги биологик фаол моддаларни аниқлаш ва хомашёни стандартлаш учун зарур фармакогностик таҳлил усуллари келтирилган. Шунингдек, қўзикулоқ ер устки қисми қуруқ экстракти ва унинг асосида ишлаб чиқилган «Phlokar» биологик фаол қўшимчасининг тегишли сифат меъёрлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Phlomis thapsoides Bge. ўсимлиги ер устки қисмини фитокимёвий ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида Жиззах вилоятининг Фориш туманида қийғос гуллаш даврида йиғиб олинган *Phlomis thapsoides Bge.*-қўзикулоқ ер устки қисми таркибидаги биологик фаол моддалар, жумладан, моно- ва полисахаридлар, аминокислоталар, витаминлар, органик кислоталар, липидлар, флавоноидлар ва минерал моддаларни аниқлашга оид тадқиқотлар амалга оширилган ва уларнинг натижалари келтирилган. Аниқланган моддаларни идентификация қилишда “гувоҳларнинг” ишончли намуналари билан хроматографик таққослашдан ташқари зарур ҳолларда улар замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида ажратиб олинган ва таҳлил қилинган.

Полисахаридларни ўрганишда аввал кичик молекулали бирикмалар ва бўёвчи моддаларни ажратиб олиш учун хомашёга хлороформ билан ишлов берилди, сўнгра 82% этанол билан экстракция қилинди. Спиртда эрийдиган полисахаридлар - арабиноза, галактоза, глюкоза, кетосахаридлар, фруктоза ва фруктоолигосахаридлар экстрактга ўтди. Хомашёни иссиқ сув (сувда эрийдиган полисахаридлар (СЭПС)), оксалат кислота ва аммоний оксалат нинг 0.5% ли эритмаларининг 1:1 нисбатдаги аралашмаси (пектин моддалар (ПМ)) ва натрий гидроксиднинг 5% ли эритмаси (гемицеллюлозалар (ГМЦ)) ёрдамида босқичма-босқич экстракция қилиш орқали полисахаридлар этанол билан чўкмага тушириб ажратиб олинди.

Хомашё таркибидаги полисахаридларнинг физик-кимёвий хоссалари 1-жадвалда келтирилган.

***Phlomis thapsoides* Bge. ер устки қисмидан ажратиб олинган
полисахаридларнинг физик-кимёвий хоссалари**

Полисахаридлар	Миқдори, %	Ташқи кўриниши, эрувчанлиги	Эрит-манинг нисбий қовуш-қоқлиги	Моносахаридлар таркиби	Ютилиш соҳалари, см ⁻¹
СЭПС	4.8	Оқ-сарғиш рангли аморф кукун бўлиб, иссиқ сувда яхши эрийди	1.78	Ara, Gal, Rha, Glc, Xyl, UAc	3276, 2921, 1734, 917
ПМ	20.0	Оч кўнғирсимон аморф кукун бўлиб, сувда яхши эрийди	19.0	Glc, Ara, Rha, Gal, Xyl, UAc	3189, 2981, 2860, 1582, 1405, 1307, 1018, 717, 633
ГМЦ	12.0	Кўнғир аморф кукун бўлиб, сувда эримайди, суюлтирилган ишқорларда яхши эрийди	3.6	Gal, Ara, Rha, Glc, Xyl, UAc	3007, 3231, 2325, 2326, 1435, 1410, 1398, 1018, 768, 640

Аминокислоталарнинг таркиби юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ) усулида Agilent Technologies 1200 хроматографининг 75х4.6 мм Discovery HS C₁₈ колонкасида амалга оширилди. Кўзғалувчи фаза «А» - 0.14 М CH₃COONa ва 0.05% ТЭА (триэтиламин) рН 6.4, кўзғалувчи фаза «В»-CH₃CN. ЮССХ ни олиб бориш шароитлари: колонка ҳарорати - 25°C; тўлқин узунлиги - 269нм; оқим тезлиги -1.2 мл/дақ; киритиш ҳажми-5мкл. Таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

***Phlomis thapsoides* Bge. ўсимлиги ер устки қисмининг аминокислоталар таркиби**

Аминокислоталар	Гидролиздан кейинги аминокислоталар миқдори	
	мг/г	аминокислотлар умумий йиғиндисига нисбатан, %
Глицин	0.34865	1.449
Аланин	0.502255	2.08
Валин*	0.882639	3.6694
Изолейцин*	0.272167	1.131
Лейцин*	1.092634	4.557
Серин	0.620855	2.581
Треонин*	0.97654	4.0597
Аспарагин кислота	0.51709	2.1497
Глутамин кислота	0.758197	3.152
Лизин*	0.397395	1.652
Аргинин	1.026578	7.14

Гистидин	1.885378	7.838
Тирозин*	1.320187	5.4884
Фенилаланин*	0.603358	2.50
Триптофан*	0.697738	2.90
Пролин	1.458517	6.0635
Аспарагин	0.703728	2.925
Глутамин	2.018924	8.39
Цистеин	4.87541	20.26
Метионин	2.262188	9.404
Умумий масса	24.0540	100

Изоҳ: *-алмашмайдиган аминокислоталар

Аминокислоталар таҳлили хомашё таркибида уларнинг 24.054 ± 7.27 мг/г миқдорда mavjud эканлигини кўрсатди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, кўзикулоқ ер устки қисми таркибида 20 та аминокислота бўлиб, улардан 8 таси алмашиб бўлмайдиган аминокислоталар эканлиги ҳамда умумий аминокислоталар миқдориغا нисбатан 26% ташкил этган. Миқдорий жиҳатдан кўп бўлганлари эса цистеин (20.26%), метионин (9.404%), глутамин (8.39%), гистидин (7.838%), аргенин (7.73%), пролин (6.06%) ҳисобланади.

Витаминларни аниқлаш градиент насосли, термостатик колонка ва ўзгарувчан тўлқин узунлигига эга УБ детекторлари билан жиҳозланган Shimadzu HPLC-10 VP хроматографида 150x4.6 мм Hypersil ODS C-18 колонкасида ЮССХ усулида амалга оширилди. Кўзгалувчи фаза «А» - 4 ммол/л натрий 1-гексансульфон ва ТЭА рН 3.0, кўзгалувчи фаза «В»-метанол. Колонка ҳарорати - 35°C; тўлқин узунлиги - 270нм; оқим тезлиги - 1.0 мл/дақ; киритиш ҳажми-20мкл. Натижада хомашё таркибида, озуқа моддаларни метаболизми ва ўзлаштирилишида организм учун муҳим аҳамиятга эга С (0.11%) ва В₂ (0.23%) витаминлар борлиги аниқланди.

Органик кислоталарни аниқлаш Grace Organik Acid Column 4 микрон, 4.6x150 мм колонкаси ҳамда спектрофотометрик ва рефрактометрик детекторлар билан жиҳозланган Shimadzu LC-20 Prominence суюқлик хроматографида амалга оширилди. Уларни идентификация қилиш олдиндан ҳар бир кислотани алоҳида- алоҳида хроматографик таҳлил қилиш орқали аниқланган ушланиш вақтлари бўйича амалга оширилди. Ўтказилган тадқиқот натижасида хин (0.38%), хлороген (0.76%), кофе (0.34%) ва ферул (0.69%) кислоталари аниқланган.

Умумий *липидлар хомашёдан* Фолч усулига мувофиқ хлороформ-метанол (2:1) аралашмаси билан ажратилди. Сўнгра экстракт липид бўлмаган таркибий қисмлардан кальций хлориднинг 0.05% сувли эритмаси билан ювилиб ҳайдалди. Умумий липидлар силикагелда колонкали хроматография усулида липидларнинг алоҳида гуруҳларига бўлинди. Бунда нейтрал липидлар (НЛ) хлороформ билан, гликолипидлар (ГЛ) ацетон билан ва фосфолипидлар (ФЛ) метанол билан элюирлаш йўли билан ажратиб олинди.

Ажратилган моддаларни идентификация қилиш сифат реакциялари, аниқ намуналар билан хроматографик таққослаш ва адабиётлардан олинган маълумотлар асосида амалга оширилди. Таҳлил натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

***Phlomis thapsoides* Bge. ер устки қисмининг липидлар таркиби**

Липидлар	Микдори, %
Жами липидлар (УЛ), шу жумладан:	3.14
нейтрал липидлар	0.72
гликолипидлар	1.41
фосфолипидлар	1.01

Ёғ кислоталари таркибини аниқлашда липидларнинг ҳар бир гуруҳини ишқорнинг спиртли этитмаси билан гидролизланди. Сўнгра диазометан ёрдамида метил эфирларига ўтказилиб, ГХ усулида таҳлил қилинди (4-жадвал).

4-жадвал

***Phlomis thapsoides* Bge. ер устки қисми липидларининг ёғ кислоталари таркиби**

Ёғ кислоталар	Микдори, %		
	НЛ	ГЛ	ФЛ
Капрон кислота, 10:0	0.72	-	-
Лаурин кислота, 12:0	0.57	2.40	0.48
Миристин кислота, 14:0	4.21	7.58	1.19
Пентадекан кислота, 15:0	1.03	0.71	0.23
Пальмитин кислота, 16:0	29.26	65.10	52.09
Пальмитоолеин кислота, 16:1	1.44	0.43	0.20
Маргарин кислота, 17:0	2.04	1.30	0.94
Стеарин кислота, 18:0	7.18	10.91	10.72
Олеин кислота, 18:1n9 * Лиолен кислота, 18:3n3	19.51	4.57	26.30
Линол кислота, 18:2 n6	30.59	1.94	6.98
Арахин кислота, 20:0	1.32	2.15	0.48
Эйкозен кислота, 20:1n11	2.13	0.17	0.10
Беген кислота, 22:0	-	1.36	0.19
Лигноцерин кислота, 24:0	-	1.38	0.10
∑ тўйинган ёғ кислоталар	46.21	92.89	66.42
∑ тўйинмаган ёғ кислоталар	53.79	7.11	33.58

Изоҳ: *-бу ёғ кислоталари жуфтлиги ишлатилган ГХ шароитида ажратилмайди ва битта чўққи сифатида кўринади.

Минерал элементларнинг таркиби ва миқдорини ICP-MS (индукцион - боғланган плазмали масс-спектрометр) АТ 7500 асбоби билан спектрал таҳлил усули ёрдамида аниқланди. Ўтказилган таҳлил натижалари асосида ўрганилаётган хомашё таркибида 61 та кимёвий элементларни мавжудлиги

аниқланди.

Макроэлементлардан энг кўп миқдорда Ca, K, Mg, Al, P, Fe, Na элементлари сақланиши аниқланди. Микроэлементлардан Mn, B мутлоқ устунликни кўрсатган бўлсада, Zn, Co, Ti, Cu, Sr, Ba, Rb элементлари ҳам эътиборга молик даражадаги концентрацияга эга эканлиги аниқланди. Хомашё таркибида ҳаёт учун зарур элементлар, хусусан, темир (1000 мкг/кг), рух (15 мкг/кг), калий (12000 мкг/кг), натрий (1100 мкг/кг), магний (800 мкг/кг), кальций (13000 мкг/кг) элементлари мавжудлиги унинг биологик аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Фойдали микро- ва макроэлементлар билан бир қаторда хомашёда токсик оғир металллар-кадмий (0.039 мкг/кг), кўрғошин (2.5 мкг/кг) аниқланган бўлиб, уларнинг миқдори ўсимлик препаратларга қўйилган санитария меъёрларидан ошмаслиги исботланган. Тадқиқ қилинган хомашёда симоб умуман аниқланмади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «*Phlomis thapsoides* Bge. ўсимлиги флавоноидларининг таҳлили» деб номланган бўлиб, унда ўсимликнинг асосий таъсир этувчи моддалари флавоноидларни ўрганиш бўйича тажриба маълумотлари келтирилган. Хомашё флавоноидларини ажратиб олиш 1-расмда келтирилган чизмага биноан олиб борилди.



1-расм. *Phlomis thapsoides* Bge. ер устки қисмидаги флавоноидларни ажратиб олиш чизмаси

Куритилиб майдаланган хомашёни этил спирти ёрдамида экстракция қилиб олинди. Олинган спиртли экстрактни вакуумли роторли буғлатгич ёрдамида

қуришиб олинди ва унуми ҳисобланди, бунда 2500 г хомашёдан 650 г миқдордаги қуруқ экстрактив моддалар йиғиндиси олинди. Мазкур экстрактив моддалар йиғиндисини этанол ёрдамида 1:1 нисбатда қайта суюлтириб КСК маркали силикагель билан аралаштирилди ва қуришиб шкафда (45-50°C) қурилди. Сўнгра силикагелли аралашмани колонкали хроматография усули ёрдамида экстракцион бензин билан ювилди. Бензин ёрдамида липофил бирикмалар олиб бўлингандан сўнг колонка эритувчи учиб кетгунича яхшилаб қурилди ва органик эритувчиларнинг кутблилиги ошиб бориш тартибида: хлороформ, этилацетат ҳамда *n*-бутаноллар ёрдамида фракцияларга ажратилди. Хлороформли фракцияни хлорофиллардан тозалаш мақсадида этанол билан суюлтирилди ва томчилатиш йўли орқали 60°C ҳароратдаги иссиқ сув кўшиб борилди. Олинган эритма 1 сутка давомида хона ҳароратида сақланди ва чўкма (липофил моддалари) тушиши кузатилди. Чўкма филтirlаб олинди ва олинган филтрат силикагель билан аралаштирилди ва колонкали хроматография ёрдамида бензин-этилацетатнинг 9:1 нисбатдаги аралашмасида ювилди. Олинган элюатларни метанолда қайта эритиб жараёнида модда (I)нинг чўкиб қолиши кузатилди. Қолган эритмани Sefadex LH-20 адсорбенти ёрдамида гель хроматография қилинди. Натижада модда (II) индивидуал ҳолда ажратиб олинди.

Этилацетатли фракциясини силикагель адсорбенти билан аралаштириб хроматографик колонкага жойланди ҳамда хлороформ-метанол 9:1 ва 8:2 нисбатдаги аралашмаларда ювилди. Бунда биринчи аралашмадан №1-флавоноидлар йиғиндиси ҳамда иккинчи аралашмадан №2-флавоноидлар йиғиндиси олинди. Олинган №1-флавоноидлар йиғиндиси (Sefadex LH -20) ёрдамида гель хроматография қилинганида (III), (IV), (V) ва (VI) моддалар индивидуал ҳолдаги ажратиб олинди.

Илмий тадқиқотни давом эттирган ҳолда этилацетатли фракцияси 8:2 нисбатдаги хлороформ-метанол аралашмасида юшиб олинган №2-флавоноидлар йиғиндисидан 1 та гликозид ҳолидаги (VII) модда индивидуал ҳолда ажратиб олинди. *n*-бутанолли фракцияни 9:1 нисбатдаги аралашмада этилацетат-метанол билан ювилди. Олинган фракция метанолда эритилди ва 1 сутка давомида хона ҳароратида сақлаш натижасида кристаллсимон чўкма ҳосил бўлганлиги кузатилди. Чўкма декантация усулида тозалаб олинди ва мазкур (VIII) модда индивидуал ҳолдаги флавоноиди эканлиги спектрал маълумотлари асосида аниқланди.

Шундай қилиб, *Phlomis thapsoides* Bge. ер устки қисми биринчи маротаба фитокимёвий тадқиқ қилинди ҳамда 1 та β-ситостерин 5 та агликон ҳолдаги флавоноидлар хризин, апигенин, лутеолин, кемпферол ва кверцетин, шунингдек, 2 та гликозид ҳолдаги флавоноидлар изокверцитрин ва рутин бирикмалари умумий ҳисобда 8 та модда индивидуал ҳолда ажратиб олинди.

Ажратиб олинган индивидуал ҳолдаги бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари қуйидаги 5-жадвалда келтирилган.

***Phlomis thapsoides* Bge. ер устки қисмидан ажратиб олинган стерин,
агликон ҳамда гликозид ҳолдаги флавоноидлар физик-кимёвий
хоссалари**

Бирикма номи	Брутто-формуаси	Молекуляр оғирлиги	Суюқланиш ҳарорати, °C	Қуруқ хомашёга нисбатан унуми, %
β-ситостерин (I)	C ₂₉ H ₅₀ O	414	140-142	0.026
Хризин (II)	C ₁₅ H ₁₀ O ₄	254	291-293	0.032
Апигенин (III)	C ₁₅ H ₁₀ O ₅	270	345-347	0.0084
Лутеолин (IV)	C ₁₅ H ₁₀ O ₆	286	327-329	0.0068
Кемпферол (V)	C ₁₅ H ₁₀ O ₆	286	265-266	0.011
Кверцетин (VI)	C ₁₅ H ₁₀ O ₇	302	310-312	0.0096
Изокверцитрин (VII)	C ₂₁ H ₂₂ O ₁₂	464	236-238	0.016
Рутин (VIII)	C ₂₇ H ₃₀ O ₁₆	610	191-192	0.022

Ажратиб олинган индивидуал бирикмаларининг тузилиш формуласи ¹H ва ¹³C ЯМР спектроскопия ҳамда икки ўлчамли HSQC ва HMBS экспериментлари ёрдамида таҳлил қилиниб исботланди. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур турдан юқорида келтирилган моддалар биз томонимиздан биринчи мартаба ажратиб олинди ва идентификация қилинди.


Диссертациянинг бешинчи боби «*Phlomis thapsoides* Bge. ер устки қисмини стандартлаш ҳамда «Phlokar» биологик фаол қўшимчани чинлиги ва сифат кўрсаткичларининг мезонларини ишлаб чиқиш» деб номланган бўлиб, унда хомашёнинг чинлиги ҳамда сифатини меъёрлаштирувчи сон кўрсаткичларини замонавий таҳлил усулларида фойдаланилган ҳолда аниқлаш натижалари келтирилган. Хомашёнинг чинлиги унинг ташқи ва анатомик-диагностик белгиларини ўрганиш ҳамда асосий таъсир этувчи моддаларни сифат реакциялари билан аниқлаш ёрдамида белгиланди.

Макроскопик таҳлил ёрдамида аниқланган хомашёнинг ташқи белгилари адабиёт маълумотларига мос келди.


Phlomis thapsoides Bge. ер устки қисмини микроскопик ўрганиш натижасида (2,3,4-расмлар) қуйидаги аҳамиятга эга диагностик белгилар аниқланди:

- барг мезофиллининг дорсивентрал тузилиши; эпидермис ҳужайра деворларининг тўлқинсимонлиги, проекцияси кўпбурчакли;
- барг эфир мойини ишлаб чиқарадиган оддий, кўп ҳужайрали юлдузсимон ва бошчасимон туклар билан қопланганлиги;
- барглар амфистоматик эканлиги; барг оғизчаларининг эпидермис ҳужайраларида чуқур жойлашмаганлиги;
- устунсимон ва ғоваксимон паренхимада хлорофилл доначалари ҳамда сариқ-тўқ сариқ рангли эфир мойи томчилари мавжудлиги;
- ўтказувчи боғламларнинг ёпиқ биколлатерал типлиги, тузилиши петиоле-нури;


- паренхима хужайралари думалоқ овал, қалин деворли ва гидроцит хужайрали, кўп сонли кальций оксалат кристалларининг мавжуд;
- томир тўпламларининг ёпиқ биколлатерал тузилиши;



2-расм. *Phlomis thapsoides* Bge.
баргининг ташқи кўриниши: а, в - баргининг юқори эпидермиси; б, г, д - баргининг пастки эпидермиси



3-расм. Барг бандининг кўнгдаланг кесимининг анатомик тузилиши: а - умумий кўриниши; б, в, г, д, е - кесимлари



4-расм. Барг мезофиллининг кўнгдаланг кесимининг анатомик тузилиши
а-баргдаги асосий томирнинг кесими; б, в, г, д, е-барг мезофиллининг кесимлари.
Изоҳ: *-2,3,4 расмларнинг шартли белгилари: У-устъица (огизча), Э-эпидермис, ОВ-тукнинг асоси, ЗВ-юлдузсимон тук, КЛ-колленхима, ПП-ўтказувчи боғлам, Пх-паренхима, Ф-флоэма, Кс-ксилема, ГД-гидроцид хужайралар, Кр-оксалат кальций кристаллари, ГВ-бошчали туклар, СК-склеренхима, Кс-ксилема, П-устунсимон паренхима, ЭМ-эфир мойи томчилари, ГП-говак хужайралар, Мж-хужайралараро бўшлиқ.

Phlomis thapsoides Bge. ер устки қисмининг ўзига хос биологик фаоллиги флавоноидлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, хомашёни кимёвий стандартлаш жараёнида улар хомашёнинг чинлиги ва сифатлилигини белгиловчи асосий мезон сифатида қабул қилинган. Флавоноидларни хомашёда аниқлаш учун алюминий хлорид билан комплекс ҳосил қилувчи реакция тавсия этилди.

Шунингдек, ушбу реакция уларни миқдорий таҳлилида қўлланилган фармакопея спектрофотометрик усулининг асосини ташкил қилди. 5 та партияда олиб борилган таҳлил натижаларини инобатга олган ҳолда уларнинг хомашёдаги флавоноидлар миқдори 0.828-0.832 % оралиғида бўлиб, 0.5 % кам бўлмаслиги белгиланди.

Phlomis thapsoides Bge. ер устки қисмида флавоноидларни тўпланиш динамикасини ўрганиш ўсимликнинг ривожланиш босқичларида сезиларли ўзгаришларга учрашини кўрсатди: қийғос гуллаган даврда флавоноидлар максимал даражада тўпланиши (0.831%), сўнггра камайиши аниқланган. Натижада хомашёнинг тайёрлашнинг мўътадил муддати этиб ўсимлик гуллаган даври белгиланди.

Хомашёнинг кимёвий ва товаршунослик таҳлил натижалари асосида унинг сифатини белгиловчи сон кўрсаткичларнинг меъёрлари аниқланди (6-жадвал).

6-жадвал

***Phlomis thapsoides* Bge. ер устки қисмининг сонли кўрсаткичлари**

Кўрсаткич номи	Хомашё учун меъёрлар	
	бутун	майдаланган
Кверцетинга нисбатан флавоноидлар миқдори, %, кам эмас	0.5	0.5
Намлиги, %, кўп эмас	10.0	10.0
Умумий кул, %, кўп эмас	3.0	3.0
Хлорид кислотанинг 10%ли эритмасида эримайдиган кул, %, кўп эмас	1.0	1.0
Хомашё табиий рангини ўзгартирган заррачалар миқдори, %, кўп эмас	3.0	3.0
Тешикларининг диаметри 7 мм бўлган элакдан ўтмайдиган заррачалар, %, кўп эмас		3.0
Тешикларининг диаметри 0.25 мм бўлган элакдан ўтайдиган заррачалар, %, кўп эмас		2.0
Органик аралашмалар, %, кўп эмас	2.0	2.0
Минерал аралашмалар, %, кўп эмас	0.5	0.5

Phlomis thapsoides Bge. хомашёсини табиий сақлаш шароитида турғунлигини ўрганиш асосида ташқи белгилари ва сифат кўрсаткичлари 3 йил давомида сезиларли даражада ўзгармади. Шунинг учун хомашёни тайёрлаш жараёнидан бошлаб 2.5 йил давомида ишлатиш тавсия этилади.

Шунингдек, хомашёнинг микробиологик тозаллиги, токсик оғир

металлар, радионуклидлар ва пестицидларнинг қолдиқ миқдорлари бўйича талабларга тўлиқ жавоб бериши аниқланди.

Сўнгги йилларда доривор ўсимлик хомашёсидан фойдаланишда уларнинг биологик фаол моддаларини сувда эрийдиган қуруқ экстрактларга ўтказиш тенденцияси кузатилмоқда. Улар дозалашнинг аниқлиги, ишлатиш учун қулайлиги, сақлашга чидамлилиги, биологик фаол моддаларнинг юқори миқдорда бўлиши, комплекс таъсир қилиши билан субстанция ҳамда рационал таркибга эга капсула тайёр дори шакллари сифатида фойдаланиш имконияти билан ажралиб туради. «Halsica» МЧЖда бизнинг иштирокимизда қўзиқулоқ ўтидан қуруқ экстракт ва унинг асосида капсула шаклида тинчлантирувчи таъсирга эга самарали «Phlokar» биологик фаол қўшимчасини ишлаб чиқилди.

«Phlokar» биологик фаол қўшимчаси учун техник шартлар (Ts 23650019-005:2020) ва уни ишлаб чиқариш бўйича технологик йўриқнома (ТИ 23650019-005:2020) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланди. БФҚнинг заҳарли эмаслиги ва самарадорлиги исботланиб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг янги «Phlokar» биологик фаол қўшимчасини ишлаб чиқаришга 2021 йил 10-мартдаги 000886-сонли рухсатномаси олинди ҳамда саноат миқёсида ишлаб чиқарилиши «Halsica» МЧЖ да ўзлаштирди.

Тинчлантирувчи таъсирга эга янги доривор ўсимликнинг ер устки қисми ва унинг асосида биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқаришни ўзлаштирилиши импорт ўрнини босиш ва маҳаллий ўсимлик хомашёсидан фойдаланиш ҳисобига республика экспорт салоҳиятини кенгайтиришни таъминлаш, шунингдек, аҳолини самарали ва арзон ҳаётий зарур дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар билан таъминлаш бўйича давлатнинг муҳим вазифасини бажарилиш имконини беради.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор Ўзбекистон флорасида ўсадиган янги истикболли доривор ўсимлик *Phlomis thapsoides* Vge. - қўзиқулоқ фармакогностик тадқиқ этилди ва самарали тинчлантирувчи дори воситаси сифатида тиббиёт амалиётида қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди.

2. *Phlomis thapsoides* Vge. ер устки қисмининг ўзига хос фаоллигини белгиловчи биологик фаол моддалар мажмуаси моно- ҳамда полисахаридлар, аминокислоталар, витаминлар, органик кислоталар, липидлар, флавоноидлар ва минераллар моддалардан иборатлиги ҳамда уларнинг асосий гуруҳларининг таркиби ва миқдори белгиланди.

3. Хомашёнинг фармакологик фаоллигини таъминловчи асосий биологик фаол моддалари - флавоноидлар бўйича илк бор чуқур кимёвий тадқиқотлар олиб борилди. Натижада тавсия этилаётган хомашёдан 5 та агликон ҳолдаги флавоноидлар - хризин, апигенин, лутеолин, кемпферол ва

кверцетин, шунингдек, 2 та гликозид ҳолдаги флавоноидлар изокверцитрин ва рутин бирикмалари, жами 7 та модда индивидуал ҳолда ажратиб олинди ва идентификация қилинди.

4. Тавсия этилаётган хомашёни стандартлаш тизими ишлаб чиқилди: асосий таъсир этувчи моддаси-флавоноидларни сифат ва миқдорини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди, хомашёнинг чинлик ва сифат кўрсаткичлари аниқланди, тажрибада уни тайёрлаш ва сақлашнинг мўтадил муддатлари белгиланди.

5. *Phlomis thapsoides* Bge. қуруқ экстракти ва унинг асосидаги «Phlokar» биологик фаол қўшимчани сифатини баҳолашнинг амалий жиҳатлари ҳал қилинди.

6. Олинган маълумотлар асосида «Қўзиқулоқ ер устки қисми» учун корхона фармакопея мақоласи ишлаб чиқилган ва рўйхатдан ўтказиш учун ЎзР ССВ «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасасига кўриб чиқиш учун топширилди. «Phlokar» биологик фаол қўшимча учун техник шартлар (Ts 23650019-005:2020) ва уларни ишлаб чиқариш бўйича технологик йўриқномалар (ТИ 23650019-005:2020) ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Far.32.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ОРИФЖОНОВА ГУЛНОЗА КОБУЛЖОН КИЗИ

**ФАРМАКОГНОСТИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ НАДЗЕМНОЙ ЧАСТИ
ЗОПНИКА КОРОВЯКОВИДНОГО (*PHLOMIS THAPSOIDES BGE.*),
ПРОИЗРАСТАЮЩЕГО В УЗБЕКИСТАНЕ**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2022.1.PhD/Far91.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Муллажонов Манзура Тохировна
кандидат фармацевтических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Юлдашев Закирджан Абидович
доктор фармацевтических наук, профессор

Нишанбаев Сабир Зарипбаевич
доктор химических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Узбекский научно-исследовательский институт химии и фармацевтики

Защита диссертации состоится «14» февраля 2025 года в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 67). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «27» 01 2025 года.
(Реестр протокола рассылки № 67 от «27» 01 2025 г.).



К.С.Ризаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н.

Ё.С.Кариева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

Ф.Ф.Урманова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно данным экспертов Всемирной организации здравоохранения, в последние годы показатель глобального распространения неврологических заболеваний достиг 7.3%, в связи с чем каждый 8-й человек, или около 1 миллиарда человек в мире, страдают от данных недугов. В этой связи важное значение имеет решение обозначенных в программных документах задач по обеспечению населения и сферы здравоохранения республики доступными и импортозамещающими лекарственными средствами, лекарственным растительным сырьем и созданными на его основе лекарственными препаратами, а также расширению арсенала лекарственных растений, используемых в медицинской практике.

В настоящее время в мире проводятся научные исследования по фармакогностическому анализу лекарственных растений, выделению основных биологически активных веществ, доказательству их фармакологических свойств, утверждению нормативных документов и разработке на их основе лекарственных средств и биологически активных добавок. В данном направлении особое внимание уделяется исследованиям местного растительного сырья с успокаивающим действием, стандартизации этого сырья и доказательству его безопасности.

В фармацевтической отрасли нашей республики достигнуты определенные результаты в расширении сырьевой базы лекарственных растений, широко применяемых в мировом масштабе, а также в обеспечении населения эффективными и доступными жизненно важными лекарственными средствами и биологически активными добавками. В пункте 85 Приложения 2 к Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы поставлены такие важные задачи, как «Увеличение объемов производства продукции фармацевтической промышленности в 3 раза и доведение уровня обеспечения местного рынка до 80%»¹. В связи с этим важное значение имеет разработка на основе местного растительного сырья экспорт ориентированных, высокоэффективных фито препаратов, применяемых в лечении неврологических заболеваний, их внедрение в медицину и локальные производственные предприятия.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4670 от 10 апреля 2020 г. «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов», № ПП-4901 от 26 ноября 2020 г. «О мерах по расширению масштаба научных исследований по выращиванию и переработке лекарственных растений, развитию налаживания их семеноводства», № ПП-251 от 20 мая 2022 г. «О

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

мерах по организации культурного выращивания, переработки и широкого использования лекарственных растений в лечении», а также в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-55 от 21 января 2022 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2022-2026 годах», № УП-139 от 20 мая 2022 г. «О мерах по созданию цепочки добавленной стоимости посредством эффективного использования сырьевой базы и поддержки переработки лекарственных растений» и в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В нашей стране важное значение имеют научные исследования таких ученых, как А.Я. Ибрагимов, Т.П. Пулатова, А.К. Ганиев, З. Саатов, М. Максудов, по выявлению биологически активных веществ, содержащихся в растениях рода *Phlomis* L., их выделению, изучению фармакологической активности и созданию на их основе новых лекарственных средств.

